Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.

№ 147 (5496).

29 июль

Сешанба

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХЕЛЬСИНКИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи босқичида қатнашиш учун Совет Иттифоқи делегацияси 28 июлда Москвадан Хельсинкига жўнаб кетди.

Делегацияга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилик қилмоқда.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико (делегация бошлиғининг ўринбосари), КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. У. Черненко, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев бор.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Н. Земсков, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзолари Г. М. Корниенко, А. П. Бондаренко ва бошқа расмий кишилар делегация билан бирга Хельсинкига жўнаб кетдилар.

Вокзалда ўртоқ Л. И. Брежневни ва делегация аъзоларини Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бещчев, В. В. Кузнецов, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари К. М. Боголюбов, М. С. Смиртюков, Г. К. Цинев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. А. Голиков, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг биринчи ўринбосари М. И. Кувшинов ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Финляндия Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Юрки Аймонен бор эди.

КОСМОСНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА БУЮК ЖАСОРАТ!

«САЛЮТ-4» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ ВА «СОЮЗ-18» ТРАНСПОРТ КЕМАСИНИНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН ПАРВОЗИНИ ТАЙЁРЛАШДА ВА АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

Совет космонавтлари Петр Ильич КЛИМУК ва Виталий Иванович СЕВАСТЬЯНОВГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети космик фазони ўрганиш ва ўзлаштиришда, коинот сирларини билишда Ватан фани ва техникаси, совет космонавтлари янги жуда катта ютуққа эришганликларини зўр мамнуният билан қайд қиладилар.

«Салют-4» совет илмий станцияси Ер атрофи орбитасида етти ойдан кўпроқ вақтдан буён муваффақиятли ишлаб турибди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари СССРнинг космонавт-учувчилари П. И. Климук билан В. И. Севастьянов ўртоқларнинг орбитал станциядаги парвози ватандошларимизни ва Ер юзидаги миллион-миллион кишиларни ғоят қойил қолдирди. Шонли космонавтларимиз ҳар томонлама маҳорат, юксак маънавий фазилат, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Климук билан Севастьянов ўртоқларнинг икки ойдан ортиқ давом этган парвози вақтида сменали экипажлари бўлган орбитал илмий станцияларнинг яратилиши ва парвози инсоннинг космосга кириб боришидаги энг муҳим йўналишлардан бири эканлигини, коинотни янада чуқурроқ ўрганиш ва планетамизни билиш учун ҳал қилувчи воситa эканлигини тасдиқлади. Космонавтлар Ер ва унинг атмосферасини комплекс тадқиқ қилишнинг, қуёшни ва бошқа самовий жисмларни ўрганишнинг кенг программасини амалга оширдилар, медицинавий ва биологик эксперименталар ўтказдилар. Геология, метеорология, география, океанология ва илм-фаннинг бошқа соҳалари учун катта илмий қизиқиш туғдирувчи кўпгина материаллар олинди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети узоқ давом этган космик экспедицияни муваффақиятли тугаллаганлигинги ва жонажон Ерга эсон-омон қайтиб келишингиз билан сиз ўртоқлар, Петр Ильич Климук ва Виталий Иванович Севастьянов, азиз ўртоқларни самимий қутлайдилар. Сизнинг жасоратингиз — коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилишнинг, совет Ватанимиз топшириқларини бажаришнинг ажойиб намунасидир.

Ўз меҳнати билан «Салют-4» орбитал илмий станциясини ҳамда «Союз-18» транспорт кемасини учиришга тайёрлашни ва парвозни амалга оширишни таъминлаган, КПСС XXIV съезди белгилаган улуғвор вазифаларни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар, ишчиларни, коллективлар ва ташкилотларни қизғин қутлаймиз.

Сиз ҳаммангиз, азиз ўртоқлар, Улуғ Совет Социалистик Ватанимиз ва ялпи тинчлик йўлида космосни забт этишнинг улкан программасини амалга ошириш борасида бундан буён ҳам фидокорона ишлайсизлар, деб ишонч билдирамиз.

Л. БРЕЖНЕВ Н. ПОДГОРНИЙ А. КОСИГИН

Петр Ильич КЛИМУК

Виталий Иванович СЕВАСТЬЯНОВ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

«Союз-18» космик кемасининг экипажи маълум қилади:

Биз «Салют-4» орбитал илмий станциясида ва «Союз-18» транспорт кемасида 63 сутка космик парвоз қилганимиздан кейин 1975 йил 26 июлда Совет Иттифоқининг белгиланган районига қўндик.

Биз илмий-техникавий ва медицинавий-биологик тадқиқотлар ҳамда эксперименталларнинг белгиланган программасини «Салют-4» станциясидё тўла-тўкис бажардик. Биз СССР космонавт-учувчилари — А. А. Губарев билан Г. М. Гречкодан қабул қилган тадқиқотлар эстафетаси муваффақиятли тугалланди. «Салют-4» —«Союз-18» космик комплекси бенуксон ишлади.

Кўплаб тадқиқотлар ва экспериментларни амалга ошириш жараёнида зарур бўлган барча замонавий ускуналар ва аппаратлар билан, экипажларнинг ҳаётини таъминловчи мустаҳкам воситалар билан таъминланган «Салют» орбитал станциялари илм-фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида узоқ вақт ва самарали ишлаш имкониятини таъминлаши тасдиқланди Бундай станциялар учувчи бошқарадиган режимда ҳам, автомат режимда ҳам муваффақиятли ишлаши мумкин.

Узоқ давом этган ана шу парвозни амалга ошириш юзасидан бизга юксак ишонч билдирганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Узимизни яхши ҳис этмоқдамиз, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг янги топшириқларини бажаришга тайёрмиз.

Кема командири КЛИМУК,
Бортинженер СЕВАСТЬЯНОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССРнинг КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ П. И. КЛИМУКНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-4» орбитал илмий станцияси билан «Союз-18» транспорт кемасида узоқ учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда айни вақтда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРнинг космонавт-учувчиси ўртоқ Петр Ильич **Климук** Ленин ордени ва иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ П. И. Климук жасорати нишонланиб, қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СЕКРЕТАРИ
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1975 йил, 27 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССРнинг КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. И. СЕВАСТЬЯНОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-4» орбитал илмий станцияси билан «Союз-18» транспорт кемасида узоқ учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда айни вақтда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРнинг космонавт-учувчиси ўртоқ Виталий Иванович **Севастьянов** Ленин ордени ва иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ В. И. Севастьянов жасорати нишонланиб, қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СЕКРЕТАРИ
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1975 йил, 27 июль.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИГА БОРАДИГАН СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

ҚПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг учинчи босқичига борадиган СССР делегациясини қуйидаги составда тайинладилар:

ҚПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев — делегация бошлиғи; ҚПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико — делегация бошлиғининг ўринбосари; ҚПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. У. Черненко ва СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев — делегация аъзолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, «Салют-4» орбитал илмий станцияси билан «Союз-18» транспорт кемасининг космосда узоқ учишини тайёрлашда ва амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар, ишчилар ва космонавтлар коллективларимиз ва ташкилотларимизни ишда доимо қўллаб-қувватлаганликлари, шу учиш тугаши мунособати билан қутлаганликлари ва самимий табрик сўзларини айтганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

«Салют-4» орбитал илмий станциясининг бортида ўтказилган ва муҳим илмий ҳамда халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган тадқиқот ва эксперименталр катта комплекси муваффақиятли бажарилганлигини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXV съездига бағишлаймиз.

«Салют-4» орбитал илмий станциясининг алмаштирилиб турилаётган экипажлар билан космосда узоқ вақт учганлиги станциянинг имкониятлари катта ва самарадорлиги юқори эканлигини тасдиқлади. Биз орттирилган тажрибаларни назарда тутиб, шундай станцияларнинг конструкторларини бундан буён ҳам такомиллаштириб, уларни энг янги машина-ускуна ва илмий аппаратлар билан таъминлаб бораверамиз.

Партия ва ҳукумат космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида Ватанимиз программасини бажариш юзасидан коллективларимиз олдига қандай масъулиятли вазифалар қўйганлигини яхши биламиз.

Ишимизга зўр эътибор бериб турганлиги ва совет космонавтикасини ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганлиги учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиумини, Совет ҳукуматини ишонтириб айтамизки, бутун билим ва куч-қувватларимизни илм-фан ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари манфаатлари йўлида космик техникани янада ривожлантириш учун сарфлайверамиз.

ЖИЗЗАХ ПАХТАКОРЛАРИ ОБЛАСТИМИЗДА

СУРАТДА: мусобақадош ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Оққўрғон районда ги С. Сегизбоев номли совхоз пахта далаларида.

Автор фотоси.

Мусобақадош Жиззах область қишлоқ хўжалиқ меҳнаткашларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари областимиз далаларида пахтакорлар, чорвадорлар ва сабзавоткорларнинг шу кеча кундузда амалга ошираётган ишлари, социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан атрофлича танишмоқдалар. Ўзаро текшириш аъзоларидан бир группаси областимизнинг Оққўрғон райони далаларида бўлдилар.

— Район пахтакорлари бу йил зиммаларига жуда катта мажбурият олишган,— дейди Жиззах область Бахмал район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. Холматов. — Районда меҳнатни ташкил қилиш, ғўзаларни агротехника муддатларида парваришлаш намунали ташкил этилганини кўрдик. Далаларда меҳнат қилаётган пахтакорлар ишонч билан зиммага олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпламоқдалар. Айниқса бу ерда маҳаллий ўғитдан фойдаланиш яхши ташкил этилган. «Оққўрғон» совхозида маҳаллий ўғит теирм машинаси бункери ўрнига ўрнатилган мослама ёрдамида бир йўла беш қаторга солинмоқда. Шунингдек ғўза парвариш даврида ишнинг сифатига алоҳида эътибор бернлаётганлиги, меҳнат интизоми бизни бениҳоя қувонтирди.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари райондаги қатор хўжаликларда бўлиб, дала ишларини кўздан кечирдилар. «Ленинобод», Вотинцев номли колхозларда ғўза парвариши яхши ташкил этилганлигини алоҳида таъкидладилар. Аммо шу билан бирга бу хўжаликларнинг баъзи бир бригадаларида айрим камчиликлар кўзга ташланаётганлиги уқтирилди. Баъзи пайкалларда ғўзаларни захлатиб суғориш, культивация вақтида қилинмаётганлиги, чеканка кечиктириб юборилаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

«Партия XXII съезди» колхози деҳқонлари бу йил 37 центнерлик хирмон учун курашмоқдалар. Кўпгина бригадаларда ҳар гектар ердан 40—45 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берилган. Ғўза парваришининг мана шу долзарб кунларида ўсимликнинг кўкига учиб, парваришни сусайтирмаслик, экинни ғовлатиб юбормаслик лозимлиги кўрсатилди.

«Коммунизм» колхозининг айрим бригадаларида ғўзалар чанқатиб қўйилмоқда. Экинни саратон сувига қондириш мўл ҳосил гарови эканлигини унутмаслик керак. Тўлиқ кўчат сақлаш, кўчат нобудгарчилигига йўл қўймаслик учун кураш зарур. Кўпгина бригада, звеноларда эса культиватор иш органларига тўсиқлар етарли ўрнатилмаганлиги сабабли ғўзаларнинг ҳосил шоҳларини синдириш ҳоллари рўй бермоқда. Бу ташвишли ҳолнинг тезда олдини олиш керак.

Навоий номли колхоз деҳқонлари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Аммо хўжаликда ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб, кейинги кунларда, парваришга жиддий эътибор бермаётган бригадалар ҳам учрайди. Колхознинг П. Маҳмудов бошлиқ бригада деҳқонлари бу йил 65 центнер учун курашмоқдалар. Ана шу ҳосилни тўплаш учун шу кунларда жуда катта ғайрат билан меҳнат қилиш лозим. Бригадада чеканка негадир кечиктириб юборилмоқда. Агар дала ишлари ана шу тарзда давом эттирилса, ғўзанинг ғовлаб кетиши мумкин.

Райондаги Калинин номли, Куйбишев номли, Карл Маркс номли колхозларда ҳам ғўза парваришида қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Масалан, йиғим-теримга тайёргарликни кучайтириш, чеканкани сифатли ўтказиш, шарбат суви беришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Мусобақадош пахтакорлар таъкидлаган ютуқ ва камчиликларни ўз вақтида амалга ошириш учун, зиммага олинган улкан 66 минг тонналик мажбуриятни шараф билан бажариш учун район пахтакорлари шу кунларда дала ишларини янада пухта ташкил этишлари, йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш тадбирларини белгилашлари керак.

Н. ТЎРАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

* * *

27 ва 28 июлда жиззахлик мусобақадошлар областимизнинг ҳамма районларида бўлишди.

28 июль кечқурун Тошкент область партия комитетининг кенгайтирилган бюроси мажлисида ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи Э. И. Исломов текшириш натижалари ҳақида маълумот берди.

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг тугалловчи йили планини муддатидан илгари бажариш ва КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, чорвачиликни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришдилар.

1975 йилнинг биринчи ярмида колхоз ва совхозларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чорва туёғи ва паррандалар кўпайди. Уларнинг маҳсулдорлиги ошди, кўпроқ гўшт, сут, тухум, қоракўл тери ва жун етиштирилди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш халқ хўжалиги планлари анча ошириб бажарилди.

Қоракўлчилар катта муваффақиятларга эришдилар. Давлатга қоракўл тери топшириш юзасидан 1975 йил учун белгиланган план ва умуман беш йиллик топшириқ барвақт адо этилди. Беш йил мобайнида мамлакат пландан ташқари 218 минг дона қимматли хом ашё олди. Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд областларининг хўжаликлари қоракўл тери тайёрлаш беш йиллик планини ошириб бажардилар.

Узбекистон ССР Марказий Статистика бошқармасининг маълумотларига кўра шу йилнинг 1 июлигача давлатга гўшт сотиш ярим йиллик халқ хўжалик плани 120,5 процент, сут сотиш плани 108,6 процент, тухум сотиш плани 111,1 процент, жун сотиш плани 100,7 процент бажарилди. Бу йил чорвадорлар қайта ишловчи корхоналарга ва савдо тармоғига 111,4 минг тонна, яъни ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 8,8 минг тонна кўп чорва ва парранда, 263,3 минг тонна яъни 14,7 минг тонна кўп сут, 320,5 миллион дона яъни 22,8 миллион дона кўп тухум топширдилар.

Ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон АССР давлатга гўшт, сут, тухум сотиш ярим йиллик планини анча ошириб бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлат йўли билан харид қилиш давом этмоқда.

Бу йилги мураккаб шароитларда қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари озуқа тайёрлаш ишини одатдагидан эрта ўтказмоқдалар. Чорва қишловига тайёргарликни кучайтириб юбордилар.

ИЖОДКОРЛАР МУСОБАҚАСИ

Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатида комсомол-ёшларнинг кўпчилиги рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида қатнашади. Улар қўл меҳнатини камайтириш, самарадорликни ошириш йўлида қатор таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этишмоқда.

Ўтган ярим йилда улар томонидан 75 та таклиф тушди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 20 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, йилига 160 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш кўзда тутилмоқда.

Ёшлик — яратувчилик. Ёш ижодкорларнинг самарали ишлари учун комбинатда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 1-цех эритувчиси А. Алямин Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ташкил этилган ёшлар илмий-техникавий ижоди кўригида қатнашди ва кўрик лауреати бўлиб қайтди. 8-цех рационализатори И. Ериш ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ёш металлургларнинг КПСС XXV съездига бағишланган «Рационализация бўйича энг яхши комсомол ташкилоти» мусобақаси салмоқли самара бермоқда.

СЪЕЗД ШАРАФИГА

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли 5-гишт заводлари бошқармаси коллективи Тошкент қурилишларига кўплаб ғишт етказиб бериш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Улар беш йилликнинг якунловчи йилида 104 миллион ғишт ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган. Бу ўтган йиллардагига нисбатан 7 миллион дона кўп, демакдир.

Шу кунларда бошқармага қарашли 6 та ғишт заводи ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Мусобақа самараси ўлароқ ярим йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш плани 104,4 процент адо этилди. 1.511 минг сўм ўрнига 1.578 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш плани 105,1 процент бажарилди.

Ўтган ойларда планга қўшимча ишлаб чиқарилган 1 миллион 375 минг дона ғиштдан 10 та болалар комбинати қуриш мумкин.

Бошқарма ишчилари съезд шарафига яна қўшимча мажбуриятлар қабул қилиб, иш суръатини янада жадаллаштирмоқдалар. Ҳозир ҳар минг дона ғиштнинг таннархини пландаги 23 сўм 93 тийин ўрнига 23 сўм 60 тийинга арзонлаштиришга эришиб, минглаб сўм соф фойда олинмоқда.

— Бундай юқори кўрсаткичларга, — дейди бошқарма директори С. Муҳамедов, — меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, илғор техника ва технологиядан оқилона фойдаланишдан ташқари ўзаро мусобақани тўғри ташкил этганлигимиз туфайли эришмоқдамиз. Айни кунларда 2-завод коллективи яхши натижаларга эришиб, бошқарма Кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб турипти.

Шахсий мусобақаларда тўққизлар ташаббусига қўшилиб ишлаётган Раҳим Даминов, Ҳайри Охунова, Боймат Ҳожиматов, Борис Гельмонов, Левъ Киричмаревлар пешқадамлик қилишаётир.

ЮТУҚЛАРДАН РУҲЛАНИБ

Тошкент тамаки фабрикаси коллективи Киров район саноат корхоналари ўртасида кенг авж олдирилган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, энг юқори кўрсаткичга эришгани туфайли район партия комитети ҳамда ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган эди. Аҳил коллектив байроқни якунловчи йил охиригача ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида суръатга суръат қўшиб меҳнат қилиб, ярим йиллик планни ҳам муддатидан анча илгари ортиғи билан адо этди. Планга қўшимча 530 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Қўлга киритилаётган ютуқлар корхона ишчиларини янги меҳнат зафарлари сари руҳлантириб юборди. Яқинда улар КПСС XXV съездини ёруғ юз билан кутиб олиш учун йил охиригача планга қўшимча бир миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Айни кунларда юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш йўлида ўзаро мусобақа қизғин авж олдириб юборилган.

Мусобақа шарофати билан корхонада вақтдан ўзиб ишлаётганлар сони юздан ошиб кетди. Машинист Р. Ғойбназаров, механик В. Каримов, пачкалаш цехи ишчиси М. Мирсаидов, сигарет цехидан Д. Гуглин, Г. Ковалев, папирос цехидан М. Умаров, А. Воҳидовлар сингари пешқадам ишчилар шу кунларда ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

ЗАРБДОРЛАР

Завод бош инженери Эргаш Хусанов билан корхона ишчилари меҳнати билан танишиб бўлгач, унинг хонасига йўл олар эканмиз, баланд бўйли, ёши элликлардан ошган киши биз билан сўрашгач, инженерга юзланди:

— Ўғлим, отпускага чиқмоқчи эдим. Аризамга имзо чекиб юборсанг.

— Жуда яхши, Саодат опам ҳам аризаларига қўл қўйдириб қайтган эди. Биргалашиб, қаерда дам олмоқчисизлар?

— Қаерда ҳам дам олардик? Бола-чақанинг ташвиши. Бир юмушимиз бор эди.

— Шу шанба-якшанба кунлари Самарқанд-Бухорога экскурсия уюштирмоқчимиз. Келинойим билан албатта боринг, бир сайр қилиб келасизлар.

Икром ака Усмонов рози бўлди.

Бу кекса ишчи мана бир неча йилдирки, фидокорона меҳнати билан кўпчилик ҳурматини қозониб келмоқда. Унинг умр йўлдоши Саодат опа Ҳайдарова ҳам шу заводда оддий прессчи бўлиб ишлайди. Икром ака билан Саодат опа ҳар кун бирга заводга йўл олади, бирга қайтади. Дилкаш, меҳнаткаш, ўз касбига меҳр қўйган бундай кишилар корхонада жуда кўп.

Тонр Беккузин билан Риза Чопоновлар эса заводни бунёд этганлардан.

— Мен заводга оддий шогирд бўлиб келганимда ана шу устозлардан ҳунар ўрганган эдим, — дейди бош инженер. — Булар ҳақиқий отахонлар, сон-саноғи йўқ шогирдларнинг устозлари. Меҳнат ветеранларнинг шижоатли ғайратидан ўрнак олган ёшлар ўзаро мусобақани қизитиб, ойлик ва квартал планларни муттасил ошириб бажармоқдалар. Халил Алиев, Эсон Уринбоев, Ноил Дибаев, Исмоил Ёқубов, Саттор Тожиқулов, Малик Сафаров, Олимжон Бадамшин... — шахсий тўққизничи беш йиллик планини бажариб, ҳозирда ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишлаётган бундай пешқадамларнинг номини яна кўплаб санаш мумкин.

ИШЧИ НОМИ — УЛУҒ НОМ

Коммунистик меҳнат зарбдорлари, илғор бригадалар ўртасидаги мусобақа яхши натижалар беряпти. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш, хом ашёни тежаш борасидаги ютуқлар қувонарлидир.

Корхонада тўққизничи беш йилликнинг сўнгги йили олти ойида 11 миллион 670 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниши лозим эди. Бу кўрсаткич 13 миллион 674 минг сўмлик қилиб бажарилди, яъни мўлжалдагидан кўра 2 миллион 4 минг сўмлик қўшимча маҳсулот реализация қилинди. План 117.1 процент қилиб бажарилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани ҳам 122,1 процент қилиб адо этилди.

Бундай кўрсаткичларга иш соатидан унумли фойдаланиш, маҳсулот исроф бўлишига йўл қўймаслик туфайли эришилмоқда. Пахта толасини ажратиб олиш пайтида чигит билан бирга майда толалар қўшилиб кетарди. ЧХ-3-1М регенератори ўрнатилгач бундай исрофгарчиликнинг олди олинди. Натижада бир йилда ўртача 370 тонна пахта тежаб қолиш имкони туғилди. Яна 120 минг сўм тежаб қолинадиган бўлди. Тола ажратувчи машиналар иш қувватидан унумли фойдаланилмоқда. Ана шу машиналардаги ҳар бир арранинг соатдаги иш қуввати 8 килограмм бўлса, илғор тола ажратувчилар бу кўрсаткични 9—9,3 килограммга етказиб бажармоқдалар.

«Ҳурмат белгиси» ордени нишондори, смена мастери Анвар Жабдатов бошлиқ бригада аъзолари июнь ойининг дастлабки ҳафтасидаёқ беш йиллик планни бажаришган эди. Бу меҳнат ветерани 30 йилдан бери илғорлар сафида завод пешқадамларидан бири бўлиб келмоқда. Тамал Азизов бошчилик қилаётган 2-бригада аъзолари эришаётган ютуқлар ҳам қувонарлидир.

Бўка районидаги пахта тозалаш заводида шу йилнинг олти ойида 8 минг 477 тонна тола олиб бу соҳадаги план 105,6 процент қилиб бажарилди. Момиқ олиш, чигит тайёрлаш планлари ҳам ошириб бажарилди. 308 тонна пахта иқтисод қилиб қолинди.

Завод ишчилари янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёргарликни қизитиб юбордилар. Пахта тозалаш заводи ҳузуридаги тайёрлов пунктлари ремонтдан чиқарилди, қўшимча супалар бунёд этилди, йўллар асфальтланди. Айниқса, «Ленинизм» ҳамда «Ҳамза» тайёрлов пунктларининг иши мақтовга лойиқдир. Бу пунктларда бебаҳо бойлигимиз — «оқ олтин»имизни қабул қилиб олиш учун ҳамма нарса шай.

Завод янги ҳосилни кутмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Тошкент тепловоз депосининг коллективи КПСС XXV съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳаракат қилянти. Суратда: тепловоз агрегатларини ремонт қилувчи слесарлар, коммунистик меҳнат зарбдорлари Баҳодир Рўзиев ва Равиль Комилов. Улар зиммадаги йиллик топшириқни ўн бир ойда бажариш мажбуриятини олишди.

ХУНАРЛИ ЁШЛАР

Билим юртимиз дастлабки талабаларни ўтган йили ўз бағрига олган эди.

Юнусобод массивида кўкка бўй чўзган ўқув юртимиз ой сайин кенгайиб бормоқда. Келажакда бу билим даргоҳи савдо корхоналари учун кадрлар тайёрловчи асосий ўчоқлардан бирига айланиб қолади. Бу йил 300 га яқин йигит-қиз билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олди.

Имтиҳон кунлари ҳали ҳам эсимизда. Ўқувчилар йил давомида олган ўз билимларини мураббийлар олдида муваффақиятли намойиш этиш учун кўп тайёргарлик кўрдилар. Амалий машқлар ўтказдилар. Назарий ва амалий тайёргарликнинг пухта бўлганлиги учун ҳам ўқувчиларнинг ҳаммаси давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширдилар.

Бу йил билим юртимизга кириш истагини билдирганлар сони яна ҳам кўпайган. Талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб, мактаб ўқув базаси анча кенгайди. Янги ўқув йилидан бошлаб билим юртимиз хоналарида 750 ўқувчи етти хил ҳунар бўйича таълим олишга киришади.

Х. НУРИДДИНОВ.
129-ҳунар-техника билим юрти директорининг ўринбосари.

ФАН ОЛАМИДА

УЗОҚ УМР КУРИШ «СИРЛАРИ»

Ер юзида шундай районлар борки, уларда яшовчи кишилар одатда жуда узоқ умр кўришади, камроқ касал бўлишади, сўнгги кунларигача иш қобилятини сақлаб қолишади. Ўтмишда ҳам бу табиат мужизасининг сирини аниқлашга уринган, хилма-хил назарияларни олдинга суришган, узоқ умр кўришнинг «йўлларини» топишга уринишган.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай жойлар бор. Киевдаги геронтология институти ходимлари ана шу зоналарда яшовчи 40 минг қарияннинг турмуш тарзини ўрганишди. Буларнинг кўпчилиги саксон ва ундан ортиқ йил яшаб келаётган кишилардир. Тадқиқотчиларни бу қарияларнинг узигна эмас, балки улар ота-боболарининг ҳам ҳаёт тарзи қизиқтирарди. Жуда кўп саволжавоблар, суҳбатлар узоқ умр кўришнинг «сирларини» аниқлашга ёрдам бермаса ҳам ҳар ҳолда жуда кўп қизиқарли маълумотларни тўплаш имконини берди.

Шу нарса ҳам аниқландики, узоқ умр кўрганларининг ҳаммаси бир умр қишлоқ жойларда яшашган, ярмидан кўпи деҳқончилик билан шуғулланган. Улар ҳамиша бир хил жисмоний иш билан шуғулланиб, ончалик оғир касалликларга дучор бўлмаган. Уларнинг 8,4 процента умуман гўшт маҳсулотларини истеъмол қилмаган, ярмига яқини чекмаган ва спиртли ичимликлар ичмаган. Одатда бу қариялар хотинлари билан ажрашмай, жанжаллашмай хотиржам ҳаёт кечиришган.

80 ва ундан ортиқ йил яшаб келаётган кишиларнинг ҳаёт тарзларидан шу нарса ҳам кўриндики, одам умуман 100-120 йил яшаши мумкин, аммо у турли объектив ва субъектив сабабларга кўра бундан 30—40 йил кам умр кўради. Ҳар бир одамнинг ўзига хос қариш суръати ва умр кўриш муддати бўлиб, у генетик тарзда қариш жараёнини бошидан кечиради. Қариш жараёни эса одатда 30—35 ёшлардан бошланади. Умуман, қариш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг нормал давом этиши тўғри танланган касбда ишлаш, оқилона меҳнат қилиш, нормал овқатланиш, дам олишни тўғри ташкил этиш каби омилларга, хуллас, ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Одатда кишининг мияси ва мускуллари қанчалик актив ҳамда мунтазам ишлаб турса улар шунчалик кам қарийди. Ялқов, ҳамма нарсага бирдай бепарволанж, ўзини уриштиришни ҳоҳламайдиган кишилар одатда узоқ умр кўришолмайди. Аксинча, текширишларда, актив, қувноқ оптимист, ўзини-ўзи ҳамиша бошқара биладиган, ўз организми эҳтиёжларига мос тарзда меҳнат қиладиган ва дам оладиган, бардамликка интиладиган ҳаётнинг қадрига етадиган кишилар узоқ ва соғлом ҳаёт кечиришлари яна бир карра тасдиқланди.

ШИРИН-ШАКАР УЗУМ УЧУН

Серқуёш республикамиз боғларида мевалар ғарқ пишган.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» боғдорчилик совхози ишчиларининг шу кунларда қўли қўлига тегмайди. Улар пишиб етилган меваларни йиғиб-териб олиш учун бутун куч ва резервларни ишга соляптилар.

Совхознинг 1-бўлимидаги коммунист Байрам Исмонлов бошлиқ бригада узумзорларида иш қизғин тус олган.

Шу кунларда бригада аъзолари «чиллаки» навли узумни узишяпти. Бу борада Рисолат Нуриева, Дония Ҳафизова, Сафаргул Умирқулова, Вакила Шафиқова сингари илғор ишчилар кунига 300—350 килограммдан узум узишиб, бошқаларга ўрнак бўлаяптилар.

Аҳил коллектив беш йиллик-нинг якунловчи йили мавжуд 40 гектардаги токзордан гектарига 283 центнердан ҳосил олиш мақсадида тинмай меҳнат қиляптилар.

А. НОДИРОВ.

1975 ЙИЛ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИ

ҚИШЛОҒИМИЗ АЁЛЛАРИ

Ҳар гал далага чиққанимда, ёки бўлмаса, корхона ва ташкилотларда бўлиб, хотин-қизларимиз билан учрашиб, суҳбатлашганимда қалбимни ажойиб ҳислар чулғаб олади. Қандай ажойиб замонда яшамоқдамиз. Партия ва ҳукуматимизга минг-минг раҳмат! Агар Октябрь қуёши нур сочмаганида, бахтимиз қулиб боқармиди? Йўқ, албатта.

Бугунги кунда аёлларимиз халқ хўжалигининг деярли барча соҳасида ишламоқдалар. Халқаро хотин-қизлар йили нишонланаётган бу йилда эса хотин-қизларимизнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни бутун моҳияти, бутун салобати билан янада яққол кўзга ташланиб турипти. Районимизда 48 мингдан ортиқ аёл бор. Улардан 20 минг киши халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлайди. Айниқса, уларнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришга қўшаётган улушлари салмоқли бўлаётир. Колхоз ва совхоз далаларида 9 мингдан ортиқ аёл фидокорона меҳнат қилмоқда. Меҳнатда, жамоат ишида, бола тарбиясида ўрнак бўлаётган аёллар ҳар бир коллективда бор.

Тўйтепа металл конструкциялари заводи кранчиси Ш. Исмоилова, шу заводдан Н. А. Кондратова, Р. П. Шарафиддинова, Р. Н. Измайлова, Тошкент темир-бетон буюмлари заводидан А. И. Покачалова, Бадриддинова, Науменко, марказий база ходимлари М. Ф. Маркова, С. Д. Трифонова, 2-кўчма механизациялашган колонна суворқчилар бригадасининг бошлиғи А. Динякова, Тўйтепа тикувчилик фабрикаси ишчилари М. Усмонова, Ким Елизавета сингари аёлларимиз билан фахрланамиз. Соғлиқни сақлаш, ёш авлодга билим бериш, маиший ва маданий, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларимизни айтмайсизми!

Аёлларимиз ижтимоий ҳаётда актив иштирок этаётиргани. Улардан 28 киши бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, 13 киши эса совет аппаратининг масъул ходимлари.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Терешкова номли колхоз раиси Умри Ҳасанова ажойиб ташкилотчилик қобилияти билан республикамизда кенг танилди. Шоличилик илмий-текшириш институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, биология фанлари кандидати Ҳайри Ўрмонова, СССР Олий Совети депутати, Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи Ортиқ Шералиева, Ленин номли колхоздан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Жанар Ёқубова, «Ленин йўли» колхозининг бригадири Шарофат Худойбердиева, «Северний маяк» колхозидан тажрибали шоликор Раиса Тигай, Ким Пен Хва номли колхоз пиллалакори Х. Муслимова ва бошқалар ҳам эл олқишига сазовор бўлаётган ташкилотчи аёлларимиздандир.

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, бизда ҳам кўп болали —оналар тўғрисида катта ғамхўрлик қилинаётир. Район партия комитети, колхоз-совхозлар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар бойлик яратиш билан шуғулланаётган аёлларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳозирги кунда 44 та боғча ва ясли ишлаб турипти. Уларда 5 минг бола тарбияланмоқда. Колхоз ва совхозлардаги мавсумий болалар боғчаларида 2597 кичкинтой тарбия олмоқда. Кўпи узайтирилган группаларга 3450 бола қатнайди.

Район партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг СССРда Халқаро хотин-қизлар йилини ўтказиш ҳақидаги қарори, Тошкент область партия комитетининг 1975 йил 27 февралда ана шу масала юзасидан қабул қилган қарорини бажара бориб, бир мунча ишларни амалга оширди. Райком бюросида Халқаро хотин-қизлар йилини ўтказиш бўйича тузилган комиссия тасдиқдан ўтказилди. Унинг составида 11 киши бор. Комиссияга район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. В. Тен раҳбарлик қилмоқда.

Комиссия туган тадбирларга мувофиқ саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасалар, колхоз ва совхозларда йиғилишлар ўтказилди. Уларда ўтган йил якунлари атрофлича муҳокама этилди. КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан беш йиллликнинг якунловчи йилидаги вазифалар кенг муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида жуда кўп аёллар янги ташаббус билан чиқдилар, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Масалан, пахтакор бригадирлардан Ж. Ёқубова, Ш. Худойбердиевалар ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга сўз бердилар. Раиса Тигай ҳар гектар шолизордан 70 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганлигини айтди. Кўпгина сут соғувчилар эса соғин сигирлардан 3500—4000 килограммдан сут соғиб олишга сўз бердилар.

Пиллакор аёлларимизнинг кўпчилиги ҳар кути қурт уруғидан 120—130 килограммдан пилла етиштириш тўғрисидаги ваъдаларини шараф билан бажардилар.

Оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишларини кучайтиришда аёлларимизнинг иштироки катта бўлаётир. Колхоз ва совхозларда, корхона ва ташкилотларда «Қизлар клуби»нинг фаолияти жонланиб кетди. Бу клубларда бўлиб ўтган учрашувларга колхоз ветеранлари, кекса саноатчилар, қурувчилар таклиф этилди, меҳнат новаторлари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг иштирокида ўтказилган «Алатау» тантанаси аёлларимизда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Бу учрашувда немис-фашистларга устидан галаба қозонишимизга ҳисса қўшган тўйтепалик аёллар алоҳида ҳурмат ва иззат, фахр ва ифтихор билан тилга олинди.

Ҳозирги кунда комиссия иш планига мувофиқ, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, уларнинг касб маҳорати, малакасини ошириш, раҳбарлик ишларига кўтариш ишлари бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Бу тадбирларни бажаришга бир қатор йирик корхоналар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳам жалб этилган.

Хотин-қиз активлар иштирокида боғча ва яслилар фаолияти бўйича ўтказилган рейд катта фойда келтирди. Рейд якуни комиссия мажлисида муҳокама этилиб, боғча ва яслилар ишини ҳар жиҳатдан яхшилашга қаратилган конкрет тадбирлар кўриб қўйилди. Болаларнинг ёғи дам олиши масаласи ҳам комиссия эътиборидан четда қолмади. Шу масалага бағишланган комиссия йиғилишида ота-оналар қатор фойдали таклифларни илгари сурдилар.

Комиссия ўз фаолиятида аёлларнинг ҳуқуқи ва меҳнат қонунчилигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

Район партия комитети, район ижроия комитети, бошланғич партия ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари аёлларнинг ишлаб чиқаришда янада актив иштирок этишлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Ана шу мақсадда янги тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан, «Ленин йўли», «Северний маяк» колхозлари, «Горник» совхозида, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг ўқув-тажриба хўжалигида, Тўйтепада болалар боғча ва ясли ўринларини кенгайтирилмоқда.

Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съезди шарафига ҳамма ерда умумхалқ социалистик мусобақаси авж олдириб юборилди. Районимиз меҳнаткашлари ҳам ана шу мусобақада актив иштирок этиб, оби-ҳаво қийинчиликларини енгиб, далаларда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Чорва қишловига ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрилаётир, кўплаб ем-хашак жамгариляпти. Саноатчиларимиз ҳам янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Съездолди меҳнат вахтаси тобора авж олмоқда. Районимизнинг кўп сонли хотин-қизлари бу вахтада мардона туриб меҳнат қилмоқдалар. Улар Халқаро хотин-қизлар йилини ўз зиммаларига олган план ва социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажариб нишонлашга аҳд қилдилар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган оммамий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишларнинг моҳияти ҳам ана шу мақсадга бўйсундирилгандир.

М. ХЎЖАЕВА,
Ўрта Чирчиқ район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири.

Босилмаган ХАБАРЛАР ИЗИДАН

КЎЧАЛАР ЁРИТИЛДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги «2-Толарик» кўчасида истиқомат қилувчи Р. Абилова, Н. Балановский, М. Маҳмудова ва бошқа бир группа ўртоқларнинг хатларида бу кўчадаги чироқлар ойлар давомида ёнмаётганлиги кўрсатилган эди.

Редакция хатни текшириш учун район ободонлаштириш бошқармасига юборган эди. Бошқарма бошлиғи ўртоқ В. Знёдуллаевнинг маълум қилишича кўра, кўчани ободонлаштириш ва ёритиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланган.

ДАРАХТЛАРНИ АВАЙЛАБ ЎСТИРАЙЛИК

Ана шу сарлавҳали хатда Октябрь районидаги «Гулираъно» кўчасидаги манзарали дарахтларни суғориш эътиборидан четда қолганлиги айтилганди.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ К. Файзиев имзо чеккан хатда кўрсатилишича, дарахт кўчатларини ўстириш, агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда парваришлаш мақсадида алоҳида бригада ташкил этилди. Бригада составига тажрибали агрономлар, мироблар киритилган. Улар тез-тез жойларда бўлиб, ёш ниҳолларни парвариш қилиш юзасидан қаттиқ назорат олиб борилмоқда.



Ирригация иншоотлари — канал, тўғон ёки гидроузел қуришдан аввал уларни моделларда синаб кўриш лозим. Бу ишлар билан Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институтининг ходимлари шуғулланишади. Суратда: инженер-ирригатор Тоҳир Мирпўлатов Фарғона усулидаги сув тўғони узели устида тадқиқот ўтказяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҚИШЛОҚДА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР

[Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари И. СУЛТОНОВА билан суҳбат]

Бугун Тошкентда область илмий-амалий конференцияси очилади. Конференцияда беш йилликнинг якунловчи йили вазифалари ва КПСС XXV съездига тайёргарлик муносабати билан оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Район партия комитети меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг куч-ғайрати, имкониятларини беш йилликнинг якунловчи йили план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда оммавий-сиёсий ишларнинг турли хил форма ва усулларидан фойдаланиб келмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ аҳли орасида 80 сиёсий докладчи, 390 сиёсий ахборотчи, 552 агитатор, 1167 сиёсий ташкилотчи иш олиб бормоқда.

Агитация кадрларининг, илғор колхозчилар, ишчилар, қурувчи ва транспортчиларнинг ташаббуси билан меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган қатор таклифлар жорий этилмоқда. Бу соҳада, айниқса, «Узбекистон» колхози аъзоларининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Колхоз аъзолари беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 4900 тонна пахта сотиш, ҳосилдорликни 45 центнерга кўтаришга, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам янги марраларни эгаллашга аҳд қилганлар. Колхоз партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни ана шу мақсадга бўйсундирган ҳолда олиб бормоқда.

Узаро социалистик мусобақа авж олдирилган. КПСС XXV съезди шарафига бу хўжаликда 25 зарбдор ўн кунлик ўтказишга қарор қилинди.

Агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар, сиёсий ахборотчиларнинг ташаббуси билан социалистик мусобақа бошқа хўжаликлар, саноат корхоналарида ҳам кундан-кунга авж олдирилмоқда. Ҳозирги кунда бизда 35 коллектив ва бригада коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашмоқда. Районда юздан ортиқ киши ва 20 бригада беш йиллик топшириғини адо этиб, 1976 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Агитация кадрлари совет тинчлик фондига маблағ йиғишда ҳам актив иштирок этмоқдалар.

«Правда», Карл Маркс номли, «Политотдел», «Узбекистон» сингари колхозлар шу йилнинг 3 майи меҳнат кунларини қаҳрамон шаҳарларга бағишладилар.

Ана шу куни дала шийпонлари байрамлардагидел қилиб безатилди. Турли шиор ва плакатлар, кўргазмали агитация жиҳозлари дала меҳнаткашларини янги ғалабаларга чорлаб турди. Уша куни автотранспорт ташкилотлари ходимлари ҳам ғайрат кўрсатдилар.

Ҳозирги кунга қадар район меҳнаткашлари тинчлик фондига 44 минг 341 сўм пул ўтказдилар.

СССР ва Узбекистон ССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш мақсадида қўшимча 850 агитатор фаолият кўрсатди. Сайлов зўр уюшқоқлик билан ва юксак ғоявий-сиёсий савияда ўтди.

Оммавий-сиёсий ишлар бўйича кабинетлар ва уларнинг мудирлари агитация кадрларига катта методик ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. «Политотдел», «Узбекистон» сингари М. Д. Хван мудирлик қилаётган оммавий-сиёсий ишлар кабинети фаолияти бунга мисолдир.

Район партия комитети қишлоқда оммавий-сиёсий ишларга оид энг яхши, илғор тажрибаларни оммалаштириш, нуқсонларни тугатишга катта эътибор бермоқда.

Колхоз ва совхозлар, саноат, қурилиш ва транспорт,,корхоналари партия комитетлари ҳам бу масалага ижодий ёндошмоқдалар. Ўтган олти ой давомида район партия комитети бюросида жойларда оммавий-сиёсий ишлар, кўргазмали агитацияни жонлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга оид бир неча масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул этилди ва бу қарорларнинг ижроси устидан назорат кучайтирилди. Биз КПСС XXV съезди олдидан ўз фаолиятимизни пухта таҳлил этиб чиқмоқдамиз. Агитация кадрлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турипти. Пахта йиғим-терими даврида улар оммавий-сиёсий ишларнинг турли хил форма ва методларидан фойдаланишлари, ҳар бир хўжаликда, ҳар бир бригадада дала меҳнаткашларининг ғайратини жўш урдириб, уларнинг эътиборини етиштирилган ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғибтериб олишга қаратишлари лозим.

Бир сўз билан айтганда биз 1975 йил социалистик мажбуриятини бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлашимиз талаб этилади. Ўйлайманки, агитация кадрларимиз бу вазифанинг уддасидан чиқадилар.

ДАЛА ШИЙПОНИДА МАГНИТОФОН

Оққўрғон. Район партия комитети тавсияси билан жуда кўп колхоз ва совхозлар магнитофон сотиб олдилар.

Ҳар бир магнитофонда агитатор суҳбати бор. Хўжалик, бригада фаолиятига оид кўрсаткичлар, иқтисодий таҳлил қилинган суҳбатлар ҳам лентага ёзиб қўйилган.

Сизни қизиқтирадиган темада врач билан маслаҳатда бўлсангиз марҳамат, магнитофон кнопкасини босишингиз мумкин. Врач маслаҳатини эшитиб, қизиқтирган саволингизга жавоб оласиз. Бу тадбир яхши самара бермоқда.

Келгусида оммавий-сиёсий ишларни жонлантиришда бундай усулдан кенг фойдаланишга, ҳар бир дала шийпонида магнитофон бўлишига эришилади.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

Область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети колхоз ва совхозларда қуриладиган энг яхши дала шийпонлари лойиҳасини ишлаб чиқариш учун шу йил июндан декабргача конкурс ўтказишга қарор қилди.

Лойиҳа ташкилотлари, конструкторлик бюролари ва ижодий ходимларни мукофотлаш учун ўринлар белгиланди. Битта биринчи ўрин, бу ўринни эгаси биринчи даражали диплом ва 500 сўм пул мукофоти олади.

Ана шу маблағга маданий жиҳозлар сотиб олинади. Иккита иккинчи ўрин бор. Улар ҳам иккинчи даражали диплом билан тақдирланадилар ва маданий жиҳозлар сотиб олиш учун 350 сўмдан пул мукофоти берилади.

Бундан ташқари, область конкурсини ўтказишда қатнашган ходимларни рағбатлантириш учун ҳар бири 50 сўмдан олтита мукофот тасдиқланди.

— Конкурсни ўтказишдан мақсад дейди, — қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари касаба союзлари область комитетининг раиси Т. Ражабов, — дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш, агитация-пропаганда ишларини кучайтирилишига эришишдан иборатдир.

Бўлажак дала шийпонлари ана шу мақсадда тўла жавоб бериши лозим. Уларда дам олиш, овқатланиш, деҳқонларга медицина ва савдо хизмати кўрсатиш учун, шунингдек оммавий-сиёсий ишларни ўтказиш учун ҳамма шароит кўзда тутилган бўлиши лозим. Санитария, гигиена қоидаларига, ёнғинга қарши кураш қоидаларига қатъий амал қилиш мумкин бўлсин.

Бундан ташқари, лойиҳа содда, иқтисодий афзалликка эга бўлиши, йигма-кўчма усулда иқдустриал метод асосида қуриш ҳисобга олиниши лозим.

Н. ИСАЕВ.

СССР БИЛАН ДЎСТЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

КАТМАНДУ, 28 июль. (ТАСС). Непалда чиқадиган ҳафталик «Самикша» газетасининг иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 19 йиллигига бағишланган бош мақоласида бундай деб ёзади: Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш — ривожланаётган мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, уларнинг халқаро обрў-эътиборини оширишга олиб борадиган йўлнинг ўзгинасидир. Совет-Непал муносабатларининг тарихи — бунинг яққол исботидир.

Бизнинг мамлакатимиз СССР билан ҳамкорлик туфайли иқтисодиётини ривожлантиришда муваффақиятга эришибгина қолмай шу билан бирга ўзининг халқаро майдондаги позицияларини анча мустаҳкамлаб ҳам олди. Непалнинг ва бошқа ривожланаётган давлатларнинг чин дўсти эканлигини амалда исботлаган Совет Иттифоқидан Непал халқи миннатдордир.

ВЕНГРИЯГА КЕЛУВЧИ ТУРИСТЛАР КЎПАЙМОҚДА

БУДАПЕШТ, 28 июль. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикасига келаётган чет эл туристлари шу йилнинг биринчи ярмида рекорд даражага етди. Олти ой мобайнида Балатон, Веленцада ва мамлакатнинг бошқа хушманзара жойларида 2 миллион 673 минг чет эл гражданлари ҳордиқ чиқарди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 процент кўп. Венгрияга келиб кетган ажнабий туристларнинг 2 миллион 258 мингги социалистик мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқининг гражданлари эди.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ САФЛАРИ УСМОҚДА

ПАРИЖ, 28 июль. ТАСС мухбири Е. Бабенко хабар қилади: 1974 йилда Франция Компартияси сафларига 85 мингдан ортиқ янги аъзо қўшилди. Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Андрей Вьегенинг таъкидлашича, бу кўрсаткич француз меҳнаткашларининг Компартияга зарурати ошаётганлигидан, партия омма орасидаги ўз таъсирини кенгайтирганлигидан далолат беради.

1975 йилда ҳам Компартиянинг сафлари ўсиб бормоқда. Забастовка кураши авж олган корхоналар ва муассасаларда янги коммунистлар айниқса кўпайди.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ПОРТУГАЛИЯ: РЕАКЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Португалиядан яна сиёсий вазият кескинлашганлиги тўғрисида тахликали хабарлар олинмоқда. Ўтган йил апрель ойида фашистик режим ағдариб ташланиб, мамлакат демократик ўзгартиришлар йўлига ўтиб олгандан кейин бу мамлакат халқи реакциянинг ҳуружларига неча марталаб зарба берган эди. Шу йил мартида фитначи офицерларнинг кичикроқ бир группаси бошламоқчи бўлган ҳарбий исён уриниши реакциянинг сўнгги катта чиқиши бўлган эди. Бу сафар эса революцион жараёнга ҳужум қилишда бош ролни яқин вақтларгача Муваққат ҳукумат составига кирган сиёсий партиялар, яъни социалистик партия билан халқ-демократик партияси ўз зиммасига олди.

Қуролли қучлар ҳаракати ассамблеяси мамлакатда революцияда қатнашувчи ҳамма тараққиётпарвар кучларнинг бирлиги принципига асосланган оммавий умумхалқ ташкилотларини тузиш планини қабул қилганидан кейин мазкур партиялар вазиятни яна жўрттага кескинлаштириш пайига тушдилар. Ассамблеянинг бу жуда муҳим қарорини демократик жамоатчилик кенг миқёсда маъқуллади. Португалия Компартияси Марказий комитети сиёсий комиссиясининг баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, бу қарор «революцион жараённи янада ривожлантиришга кўмаклашмоғи» лозим.

Аммо социалистик ва халқ-демократик партиялари бундай ташкилотларнинг тузилиши ўзларининг халқ оммасидан яккаланиб қолишларини кучайтиришидан қаттиқ хавотирланиб, Муваққат ҳукуматдан чиқишларини эълон қилиш йўли билан ҳукумат танглигини вужудга келтирдилар. Социалистик партия қуролли қучлар ҳаракатига ва Коммунистик партияга қарши бир қанча митинглар ва намойишлар ташкил қилди. 19 июль куни Лиссабонда ўтказилган митинг ана шу ҳаракатларнинг юқори нуқтаси бўлди. Реакцион қучлар бу митингдан Португалия пойтахтига «юриш бошлаш» учун баҳона сифатида фойдаланмоқчи эдилар. Аммо Компартия ва касаба союзлари сафарбар этган халқ қуролли қучлар ҳаракати билан мустаҳкам иттифоқ бўлиб реакциянинг бу ҳуружига кескин зарба берди. Шундай бўлса ҳам, революцион жараённи тўхтатиб қўйиш ва Португалиянинг сиёсий ҳаёти йўналишини кескин ўнгга буриб юбориш мақсадини кўзлаётган реакциянинг ҳужуми ҳали тўла-тўкис даф қилинган йўқ. Коммунистик партия ва тараққиётпарвар ташкилотларнинг биноларига тез-тез ҳужум қилинаётганлиги, коммунистлар калтакланаётганлиги, коммунистик адабиёт сотадиган магазинлар ва дўконларга ўт қўйилаётганлиги шундан дарак беради.

Бош министр Васку Гонсалвишга қарши реакция айниқса қутириб ҳужум қилмоқда. Янги Муваққат ҳукуматни тузиш унга топширилган эди. Қуролли қучлар ҳаракати у билан ўзининг бирдам эканлигини яна бир бор изҳор этди, мамлакатнинг турли томонларидан уни қўллаб-қувватловчи кўпдан-кўп телеграммалар келиб турибди. Шу телеграмма ва табрикномаларни йўллаётган сиёсий партиялар, касаба союзлари, жамоат ташкилотлари Васку Гонсалвишга топширилган муҳим сиёсий вазифани бажаришда муваффақият тилайдилар.

Шу ҳафта охирида қуролли қучлар ҳаракати ассамблеясининг навбатдаги мажлиси бўлади. Шу ҳаракатнинг олий органи бўлган бу ассамблея мамлакатдаги революцион жараённи янада ривожлантириш ҳусусида янги муҳим қарорлар қабул қилади. Қуролли қучлар ҳаракати билан ҳалқнинг мустаҳкам иттифоқи бу сафар ҳам Португалиядаги реакция йўли беркитиб қўйилишининг гаровидир.

(ТАСС).

Японияннинг Нагасаки шаҳри манзаралари. Бундан 30 йил муқаддам шаҳар устида Американиг атом бомбаси портлатилган эди. Шу бомба тушган жойга (чапдаги сурат) рамзий ҳайкал ўрнатилган.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

ДЎСТЛИГИМИЗ МАДҲИЯСИ

Ҳа, бу ижодий сафар дўстлик ва қардошликнинг чинакам мадҳиясига айланди. Ҳар бир учрашув, ҳар бир концертда болгар-совет дўстлиги тараннум этилди, бу дўстликни улуғловчи чин юрак сўзлари тилларимизда, дилларимизда гўё қўшиқ бўлиб янгради.

Болгар ва совет халқлари дўстлигининг бир неча асрлик тарихи бор. Болгария Россия мадади билан беш асрлик зулм тоғини елкадан абадул-абад улоқтириб ташлади. Шу-шу озодликка ташна бу эл ўз қалби тубига халоскор Россия халқига бўлган меҳр-муҳаббатини мангу муҳр қилиб босди.

Улуғ Ватан уруши йиллари бу дўстлик яна бир оғир синовдан ўтди. Халоскор Совет Армияси болгар халқининг асрий орзуларини рўёбга чиқарди. Мамлакатда чинакам халқ республикаси тузилиб, социализмнинг ҳаётбахш байроғи ҳилпирай бошлади.

Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи ва Совет Узбекистонининг Тошкент области меҳнаткашлари ўртасида дўстлик алоқалари бошланганига ўн икки йилдан ошиб қолди. Бу давр ичида қардошлик, биродарлик ва самимий муносабат ҳар томонлама ўсди, мустаҳкамланди. Шундан бери ҳар бир болгариялик Узбекистоннинг азиз меҳмони, хасковолик дўстлар ташрифидан тошкентликлар ҳамиша ҳурсанд. Областимиз вакиллари ҳам хасковоликларнинг иззатли меҳмони.

Бошқа соҳалар қаторида маданий алоқалар кўламининг кенгаяётганлиги икки халқни янада яқинлаштириш ишига катта хизмат қилмоқда. Бадиий ҳаваскорлик коллективларини ўзаро айрибошлаш, икки халқ санъати билан яқиндан танишиш маданий алоқаларимизнинг дебочаси бўлди, дейиш мумкин.

Хасковоликлар таклифига кўра, областимиз бадиий ҳаваскорлик коллективларининг вакиллари биринчи марта Болгарияда ўзбек санъатини намойиш этишганида бу ҳамкорликни давом эттиришга аҳд қилинган, уч-тўрт йил муқаддам эса Тошкент области меҳнаткашлари хасковолик халқ талантлари орқали болгар халқининг музика маданияти, рақс ва қўшиқчилик санъати билан танишган эдилар.

Шундан сўнг ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асарининг Хасково саҳнасида болгар тилида қўйилиши икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Асарни атоқли санъаткоримиз, СССР Халқ артисти Олим Хўжаев саҳналаштирди. Ҳозиргача «Бой ила хизматчи» Хасково округи театрида юз мартадан ортиқ намойиш қилинди.

Болгар халқи санъатни ғоят қадрлайди. Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўриклари, турли фестиваль ва халқ санъати байрамларини ўтказиш шонли анъанага айланиб кетган.

Шу йилнинг май ойида ҳамдўст Хасково округида «Халқ анъаналари ва урф-одатлари» мавзуида халқаро симпозиум ўтказилди. Унда ўн икки қардош социалистик мамлакат вакиллари иштирок этдилар. Худди шу симпозиум кунларида Хасково яқинидаги ям-яшил Кенана водийси халқ санъатининг муаззам кошонасига айланди. Бу ерда халқ талантларининг анъанавий 12-округ фестивали тантанали суръатда очилди.

Хасково округи партия комитети ва округ халқ Советининг таклифига кўра, Тошкент области халқ талантлари вакилларининг ўттиз кишилик группаси ҳам ана шу фестивалда иштирок этди. 300 га яқин бадиий ҳаваскорлик коллективлари орасида Тошкент талантлари катта иззат-икром билан кутиб олинди.

Группамиз учун энг ҳаяжонли ва масъулиятли онлар етиб келди. Катта очиқ саҳна минбарида халқ ижоди фестивалини округ партия комитетининг биринчи секретари Г. Корцанов очар экан, Тошкент вакилларига табрик сўзлари билан алоҳида мурожаат этди. Анъанага кўра у миллий чолғу асбоби коваль (най) чалиб фестивални бошлаб берди. Фестиваль майдони болгар халқининг анъаналарини ифода этувчи талантларнинг жозибали чиқишларидан ажойиб манзара кашф этди: халқ ўланлари, меҳнат мусобақасига бағишланган айтишув-сўз ўйинлари, ранг-баранг оммавий рақслар куй ва қўшиқларга уланди.



Фестивалнинг расмий программаси тошкентликлар концерти билан бошланди. Группанинг катта программадаги дастлабки концерти минглаб томошабинларни ўзига жалб этди. Узбек карнай-сурнайи, қўш доираю, ноғора садолари, бутун водийни тутиб кетди. Халқ оғзаки ижоди асосида тузилган лапар, ялла ва рақслар, доира, ноғора ва лаган ўйинлари замонавий ранг-баранг куй ва қўшиқ, шўх рақсларга туташди.

Тошкентлик ҳаваскорларнинг ҳар бир чиқиши болгар дўстларимиз, фестиваль қатнашчилари ва жюри аъзолари томонидан қизғин кутиб олинди, санъаткорларимиз маҳоратига юксак баҳо берилди.

Бундай катта анжумандаги биринчи муваффақият ёшларимизга янги куч, илҳом бахш этди. Улар навбатдаги концерт ва учрашувларга алоҳида масъулият билан тайёргарлик кўра бошладилар.

Шундан сўнг сафаримиз ижодий тус олди. Кетма-кет концерт ва учрашувлар бўлди. Пойтахт областининг ҳаваскорлари куйлаган дўстлик қўшиқларига Хасково шаҳар ҳарбий округи солдат ва офицерлари жўр бўлдилар, округнинг Любимец, Свиленград, Харманли шаҳар маданият уйларида кўрсатилган концертларда эса анвойи гуллар билан олқишландилар. Қўшиқ ва шўх рақслар саҳналардан катта очиқ майдонларга кўчди. Ҳар бир концерт халқ ҳузурида дўстлик учрашуви билан якунланди.

Изворово қишлоғидаги учрашувлар группанинг ҳар бир аъзоси қалбида чуқур из қолдирди. Шу куни бутун қишлоқ аҳли гулдастлар билан бизга пешвоз чиқди. Бу ерда биринчилар қатори социалистик кооператив ташкил этилган экан. Меҳнат аҳлининг ҳозирги турмуши фаровон, тўқ ва бадавлат. Ёшидан кексасигача санъатга ишқибоз, куйламайдиган ва рақс тушмайдиган одамни топиш қийин. Тошкентликлар Изворово меҳнаткашларининг хонадонларида меҳмон бўлдилар. Уларнинг турмуши, урф-одатлари ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлари билан танишдилар.

Группамиз концертлар бериш билан бирга болгар халқининг ҳаёти, мамлакат экономикасининг ривожланиши, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳамда маданий қурилишдаги янгиликлардан хабардор бўлдилар. Тамаки фабрикалари, тўқимачилик корхоналари, йирик теплица хўжаликларини бориб кўрдилар. Ишчи-хизматчилар, кооператив деҳқонлари, турли касб кишилари билан қизиқарли учрашувлар ўтказдилар, ана шундай учрашувларда ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Ижодий сафаримиз мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам давом этди. Узбек куй ва қўшиқларининг жаранги қадимий Плиске ва афсонавий Шипка, Габарово ва Бурга, Пловдив ва гўзал Варна шаҳарларида, Қора денгизнинг «Қуёшли соҳил» ва «Олтин қум» водийлари ва мамлакат пойтахти Софияда ҳам акс садо берди.

Сафаримиз Хасково шаҳрида ўтказилган хайрлашув концерти ва «Тошкент—Хасково» дўстлиги кечаси билан якунланди. Бу оқшом туташ диллар таронаси ҳар икки тилда янгради, совет-болгар биродарлиги шаънига айтилган оташин хитоблар, чин юрак сўзлари қалбларга ўчмас муҳр бўлиб босилди.

— Маданий алоқаларимизнинг кўлами, — деди округ партия комитетида ўтказилган қабул маросимида окружкомнинг биринчи секретари Г. Корцанов, — тобора кенгаяверсин. Санъат икки халқни бир-бирига янада яқинлаштиришдек буюк ишга хизмат қилаверсин.

Дарҳақиқат, санъат халқларни бир-бирига яқинлаштиришда энг таъсирчан, муҳим воситаларданди. Тошкентлик ҳаваскор ёшлар ана шундай хайрли ишга ўзларининг ҳиссаларини қўшганликлари билан фахрланса арзийди. Бу ижодий сафар санъат даргоҳига катта умидлар билан қадам қўйган ёш талантлар учун жиддий синов бўлди.

Болгариядаги фестивалга йўлланма олган ёшларнинг асосий қисмини Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Восток» клуби ҳузуридаги «Парвоз» ансамбли қатнашчилари ташкил этди. Областимизнинг Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Калинин районлари ҳамда Янгийўл шаҳар маданият уйларининг энг қобилиятли қатнашчилари ҳам «Парвоз» составида сафарда бўлдилар.

«Парвоз» кейинги йилларда ўз сафини талантли, қобилиятли хонанда, созанда ва рақҳосалар ҳисобига кенгайтирди. Унинг репертуари ранго-ранг куй ва қўшиқлар, рақслар билан бойиб бормоқда. Янги-янги концерт программалари пайдо бўлди. Узбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, рақҳоса қизлар ансамбли тузилди. Ансамбль фаолиятини яхшилаш, репертуарини бойитиш ва ижрочилик маҳоратини оширишда ёш музика ўқитувчиларидан Ш. Жонайдаров, М. Маъмиров ва балетмейстер М. Ҳамдамов ўртоқларнинг хизматлари тахсинга сазовор. «Парвоз» қўлга киритган ижодий муваффақиятлари учун 1974 йилда халқ ансамбли номини олганда унга янги ижодий парвозлар тилашганди. Болгария Халқ Республикасига қилинган бу ижодий сафар унинг дастлабки парвозларидан бири, дейиш мумкин.

Тошкентлик ёш санъаткорлар меҳмондўст Болгариядан катта таассурот билан дўстларнинг қайноқ меҳр-муҳаббатини дилга жо қилиб қайтдилар. Биз мамлакатнинг қаерида бўлмайлик, социализм вужудга келтирган янги ҳаётни, ижодкор, меҳнаткаш кишиларни ва КПСС билан БКП ўртасидаги улуғ интернационал дўстлик намойишини кўрдик.

Бизга кўрсатилган чинакам самимият, меҳмондўстлик ва алоҳида эътиборни аввало қудратли совет халқлари, ана шу муаззам оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси жонажон Узбекистонимиз ва Тошкент области меҳнаткашларига билдирилган иззат-ҳурмат, чуқур эътиқод ва чинакам биродарликнинг ифодаси, деб билдик.

Н. НАСИМОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Узбек бадиий ҳаваскорлари Любимец шаҳрида концертдан сўнг. 2. Хасковолик ҳаваскорлар анъанавий ўйин ижро этишмоқда. 3. «Дугонажоним» қўшиғи билан ижро этилган рақс барчага манзур бўлди.



КАДРЛАР МАСКАНИ

Бизнинг техникумимиз фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк ғалаба арафасида ташкил этилган эди. Шунинг учун ҳам яқинда кенг кўламда нишонланган буюк ғалабанинг 30 йиллиги тантанаси ўрта маҳсус таълим юртимиз коллективи учун қўш байрам бўлди. Ўқув юртимиз ана шу ўттиз йил мобайнида катта ва шонли йўлни босиб ўтди.

Техникум ташкил этилган кезларда бир неча кичик бўлимдан иборат бўлган билим даргоҳимиз ҳозирда Иттифоқда энг кўп савдо кадрлари тайёрлайдиган кенг тармоқли техникумлардан бирига айланган. Дастлабки йиллари 120—150 студент таълим олган бўлса, бу кўрсаткич аста-секин орта борди. 1956 йилга келиб кадрларга талаб ортганлиги туфайли сиртқи бўлим, сўнгра эса кечки бўлимлар очилди. Билим юртимизидаги яна бир янгилик шундаки, бу йил товаршунослик моддий техника таъминоти ва товарларни ўтказиш бўлими очилди. Бу бўлимни битириб чиққан студентлар моддий техника таъминоти базаларида ишлайдилар. уч ойлик тайёрлов курслари ҳам кирувчиларга жуда қўл келмоқда. Ўтган йили ана шундай курсларда 150 дан зиёд ўқувчи таълим олган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 300 дан ортиб кетди.

Техникумимиз асосан савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналари учун кадрлар етказиб беради. Техникум даргоҳидан шу пайтгача 10 мингдан зиёд ёш мутахассис ҳаётга йўлланма олди. Шу кеча-кундузда ўқув юртимизда 3 мингга яқин йигит-қиз таълим олмоқда. Фақат кундузги бўлимларга ҳар йили 400 дан зиёд ўқувчи қабул қилинади. Талабаларимиз орасида республикамизнинг турли шаҳар ва районлари, шунингдек иттифоқдош республикалардан келган 24 миллат фарзандларини учратасиз.

Студентларимизни билимдон кадрлар қилиб тарбиялаш учун ўқитувчилар коллективи қўлидан келган ҳамма ишни қилмоқда. Барча кабинетлар етарли ўқув қуроллари, маҳсулот намуналари, кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Мустақил амалий ишга катта эътибор берилади. Савдо практикаси ва умумий овқатланиш бўйича амалий машғулотлар энг яхши савдо тармоқларида ўтказилади. «Чилонзор» савдо маркази, «Гастроном»нинг энг яхши магазинлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ошхонаси, «Дилором» кафеси, «Баҳор» ресторани ва бошқа савдо тармоқларининг ишчан ходимлари студентларимизга ўз билим ва тажрибаларини бажонидил ўргатмоқдалар. Ўқув юртимиз назарий ва илмий таълимни муваффақиятли қўшиб олиб бориш ҳамда «Ёшлик» ва «Шуҳрат» мактаб-магазинларни ташкил этишда фаол қатнашганлиги учун уч марта Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг диплом ва медаллари билан тақдирланган.

Тошкент совет савдо техникуми коллективи Марғилон планиқтисод техникуми ҳамда Ленинскдаги совет савдоси техникумларини ташкил этишда бевосита ёрдам берди. Ҳозирда бу билим юртларида техникумимизни муваффақиятли битирган собиқ талабаларимиз устозлик қилишмоқда.

Кейинги кезларда студентларни ўқитиш, амалий машғулотларга раҳбарлик қилиш ишларининг савияси янада ортди. Товаршунослик ва саноат моллари билан савдони ташкил қилиш, таом тайёрлаш технологияси, озиқ-овқат бўлимларида ўтказилаётган очиқ дарслар, назарий конференциялар, конкурслар, мунозаралар, оғзаки журналлар, студентларимиз билимини оширишда қўл келмоқда. Техникумимизда меҳнат ветеранлари, Совет савдоси аълочилари, меҳнат зарбдорлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари билан учрашувлар ўтказиб туриш анъанага айланган. Билим юртидаги музика, илмий атеизм, эстетика ва спорт халқ университетлари машғулотлари ўқувчилар ўртасида катта қизиқиш ўйғотмоқда. Айниқса, интернационал дўстлик клуби иши мақтовга лойиқдир. Клуб Германия Демократик Республикаси, Польша, Болгария, Венгрия ва бошқа мамлакатлар, шунингдек мамлакатимизнинг жуда кўплаб шаҳарларидаги савдо техникумлари билан алоқа боғлашган.

Ветеран устозлардан Ф. Саъдуллаев, Н. Леонов, Х. Холмуҳамедов, А. Ламм, Р. Батиршина, шунингдек А. Турсунов, Ш. Шоиқромов, О. Мирпўлатова, Қ. Азимов, Ф. Расулова, ва бошқа кўплаб ўқувчиларимиз ёшларга билим ва тажрибаларини ўргатиш билан бирга ўз малакаларини тинмай оширмоқдалар.

Ҳадемай абитуриентлар ҳаётида муҳим воқеа — кириш имтиҳонлари бошланади. Бизнинг ўқув юртимизга кириб ўқиш ниятини билдириб, ариза берганлар жуда кўп. Улар орасида ҳар соҳа вакилларини учратасиз. Билим юртимиз бу йил кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларга мингга яқин йигит-қизларни қабул қилади. Деярли шунча студент эса мустақил ҳаётга йўлланма оладилар.

Ю. РАСУЛОВ.
Тошкент совет савдо техникумининг директори.

Суратларда: (юқорида) абитуриентларнинг ариза топшириш пайти. (Пастда) техникум қабул комиссияси бўлажак студентларни группаларга тақсимламоқда.

А. Абалян фотолари.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ҲОВЛИ ТУЙИЛАРИ

Тошкентнинг Киров районидаги Энгельс кўчаси тобора гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда эски бинолар ўрнида кўп қаватли янги турар-жой бинолари қад кўтармоқда.

Куни-кеча қўли гул бинокорлар тўрт қаватли уйни пардоздан чиқариб, фойдаланишга топширдилар. 64 оилага янги квартираларнинг калитлари берилди.

Янги турар-жой биносини 24-қурилиш бошқармасининг сайқалчилари қўлдан чиқардилар. М. Фигель, А. Кладкова, Қ. Самандаров сингари бўёқчи, дурадгор ва сувоқчилар ўз ҳамкасбларига ўрнак кўрсатиб меҳнат қилдилар. Улар кунлик ва ойлик план топшириқларини 140—150 процентга етказиб адо этдилар.

С. СУЛТОНОВ.

ЁЗ СОЗ ЎТМОҚДА

Пионер ёзи авжида. Мактаб ўқувчилари соя-салқин боғларда, тоғлар этагида, дарёлар оғиида жойлашган пионер лагерларида ҳордиқ чиқармоқдалар.

«Урожай» пионер лагери ҳам ана шундай соя-салқин боққа жойлашган.

— Лагеримиз болаларнинг севимли жойига айланиб қолган, — деб сўз бошлади лагер бошлиғи С. Муротов. — Бу ерда ҳар йили областимизнинг куплаб район ва шаҳарларидан ўқувчилар келиб дам олишади. Биринчи смена давомида 340 пионер ва ўқувчи ҳордиқ чиқарди.

Пионер лагерини айланар экансиз, бу ерда кўнгилли дам олиш учун барча шароит яратилганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Спорт майдончалари, кутубхона, бассейн, шахмат-шашка клуби болалар нихтёрига берилиб қўйилган. Кечқурунлари пионер гулхани атрофида шўх ўйин-кулги янграйди.

Х. ИНОҒОМОВ.

ҚИЧҚИНТОЙЛАР УЧУН

Тошкент ўйинчоқлар заводида янги хил маҳсулотлар чиқарила бошланди. Миллий кийимдаги қўғирчоқлар кичкинтойларни шод этмоқда.

Улардан бири «Полизчи аёл» деб аталган. Қўғирчоқ «юра олади», кўплаб мураккаб ўйин ҳаракатларини бажаради. Завод йил охиригача 3 мингта шундай қўғирчоқ ишлаб чиқаради. Корхонада шунингдек, «Гулжамол» сувенир-қўғирчоғи ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

ҲАШАК ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ангрен саноат корхоналаридан 300 га яқин ишчи ва хизматчи ўзлари оталиққа олган хўжаликларда шу пайтгача 2 минг тоннадан зиёд дағал хашак тайёрлаб бердилар.

Шаҳарликлар Бука районидаги «Бўка», «Кўкорол» совхозларида, Ильич номли, Фрунзе номли, Мичурин номли, «Леннинобод» колхозларида ҳам дала меҳнаткашлари оғирини енгил қилмоқдалар. Деҳқонлар ва чорвадорлар ҳашарчилардан беҳад миннатдор.

З. ЗОКИРОВ.

Спорт

ҒАЛАБА СОҒИНЧИ

Ғалабага иштиёқ ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ сезилди. Пахтакорчилар гоҳ ўнг, гоҳ сўл қанотдан рақиб жарима майдони сари ёриб киравердилар. Беш минут ўтмай улар икки марта бурчак тўпи тепишди. Фақат дарвозабон Дегтяровнинг маҳорати билан «Черноморец» мағлубиятдан омон қолди.

Ўйин ўрталарида кучлар бироз тенглашди. Меҳмонлар ҳам бир-икки ҳужумга ўтиб, ёш дарвозабонимиз Муҳаммадали Қўлдошевни синаб кўришди. Муҳаммадали ўз постида сергак эди.

Учрашувнинг иккинчи бўлими «Пахтакор»нинг яна шиддатли ҳужуми билан бошланди. Икки минут ўтар-ўтмас ярим ҳимоячи Жуков дарвозабон билан юзма-юз чиқди. Зарб билан тепган тўпини Дегтяров маҳорат билан қайтарди. Лекин қайтарди-ю, ўз мувозанатини йўқотди. Шу дақиқада жарима майдонида ҳозир бўлган тезкор Тўлаган Исоқов тўпни қайтариб очиқ дарвозага аниқ йўналтирди.

52-минутда яна шундай ҳавфли вазият такрорланди. Бу гал ҳам ҳужумни Жуков бошлаб берди. Дарвозага яқинлашиб қолгач, у тўпни Федоровга оширди. Федоров эса очиқда турган Михаил Анга йўналтирди. Ан мўлжални аниқ олиб, ҳисобни оширди. Ҳужумдаги ҳамжиҳатлик пахтакорчиларга шундай муваффақият келтирди.

Чиройли комбинациялар кўп бўлди. Ан йўналтирган тўпларнинг бири рақиб дарвозаси тўсинига тегиб қайтди. Федоров урган тўпни дарвозабон зўрға қайтариб қолди... Шундан кейин бироз нафасни ростлаш пайти бошланди.

Уша дамда ҳимоячиларимиз ўз жойларидан анча узоқлашиб кетишган эди. Бундан фойдаланган рақиблар қўққисдан ҳужумга ўтишди. Бирйўла икки ҳужумчи сўл қанотдан «Пахтакор» дарвозаси томон яқинлашиб келаверди. Шунда ҳам ҳимоячиларимиз сезгирлик қилишмади. Муҳаммадали жонҳаҳди билан меҳмонлар оёғидаги тўпга ташланди. Лекин ета олмади. Майдонга янги тушган одессалик Раднонов уни алдаб ўтиб, тўпни пахтакорчилар дарвозасига йўналтирди. 2:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

Пахтакорчилар «Черноморец» устидан муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Бинобарин, улар одессаликларни ўз майдонларида бирон марта ҳам ютишмаган эди. Ниҳоят илгариги мағлубиятлар аламини энди олдилар. Дублёрлар составининг учрашуви ҳам пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди. Ўринбосарлар 3:1 ҳисобида ғолиб чиқишди.

Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларида «Пахтакор» билан олдинма-кейин келаётган «Торпедо» командаси ҳам Ворошиловградда «Заря» командаси устидан 2:1 ҳисобида муваффақият қозонди. Турнир пешқадами Киев динамочилари ўз майдонларида турнирнинг сўнгги поғонасида келаётган Ростов армиячиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, тўпланган очколар сонини 25 тага етказдилар. Ҳар иккала тўпни рақиб дарвозасига Олег Блохин киритди. Иккинчи ўрнида келаётган «Арарат» «Днепр»га «Карпат» эса «Динамо» (Т)га 0:1 ҳисобида ютказиб қўйди. Москванинг «Динамо» ва Ленинграднинг «Зенит» командалари ўртасидаги баҳс 1:1 ҳисобида якунланди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

НОЁБ УСУЛ

Одам кўзининг тўқималарини операция қилиш учун энг нозик асбоблар, шунингдек, ярани тикиш учун ғоят ингичка ип керак бўлади. Коломбодаги кўз касалликлари клиникаси врачлари биринчи марта ана шундай ип ўрнига аёллар сочидан фойдаланишди. Ҳозиргача 400 та ана шундай операция ўтказилиб, уларда кўздаги катаракта олиб ташланди. Бунда операция яраси аёл сочи толасидан ишланган ип билан тикилди. Бундай ип билан тикилган яра кейинчалик шамоллаб, шишиб кетмас ҳам экан.

ГЕРБИЦИД ЎРНИГА... ҚУНҒИЗ

АҚШ жанубидаги кўл ва дарёларни сув ўтлари босиб кетиб, баъзи кўлларда сувда чўкмай бемалол юриб, балиқ овлаш мумкин бўлиб қолди. АҚШ қишлоқ хўжалик министрлиги кейинги йигирма йил давомида сув ўтларига қарши гербицид қўллаб, бунинг учун йилига тўрт миллион доллар сарфлаб келарди. Аммо, эндиликда бу ҳам иш бермай қўйди.

Шунда бир группа ҳашаротшунос шу ўтнинг ватани — Жанубий Америкага юборилди. Олимлар у ердан кичик бир қўнғизни топиб келишди. Бу қўнғиздан роса 267 тасини Флорида штатидаги дарёлардан бирига қўйиб юборишди. 16 ойдан сўнг шу дарё кемалар қатнови учун очиб қўйилди.

Ҳозирда неча ўн миллионлаб қўнғизлар дарё ва кўлларни сув ўтларидан тозалашга «сафарбар» қилинган. Тез орада ҳамма дарё ва кўллар сув ўтларидан бутунлай халос бўлади, деб хабар берди министрлик.

ЯШИЛ БОҒ ҚЎЙНИДА

Яшил боғ қўйнида яйраб дам олаётган қувноқ ёшлар овозига булбуллар ҳамоҳанг. Дарахтзорлар оралаб ўтган ариқлардан шарқираб сувлар оқмоқда. Турна қатор тизилиб кетган палаткалар пештоқига: «Яхши дам олиб, аъло ўқиймиз!» деган шиорлар ёзилган. Горн овози янгради. Бир дамда лагерь пионерлари спорт майдончасида саф тортдилар. Бугун катта спорт мусобақаси ўтказилади. Кимдир шахмат-шашка мусобақасида ғолиб чиқиш, кимдир қизиқарли футбол ўйинида шуҳрат қозониш истаги билан мусобақага отланган. Осойишта ва салқин лагерь қўйнида ўтаётган ҳар бир кун мазмунга бой.

— Ҳар сменада 400 дан ортиқ ўғил-қизни қабул қилиб оламиз,— деди «Зорький» пионер лагерининг бошлиғи Ольга Кудашева.— Ҳозир лагеримизда иккинчи смена тугаб, учинчи смена дам олувчи мактаб ўқувчиларини кутяпмиз.

Лагерь қўйнида мактаб ўқувчилари тематик кечалар ўтказиб, мунозараларда ўз билимларини синамоқдалар. «Ленин доим барҳаёт», «Ленин тилларда ва дилларда» мавзуларида ўтказилган кечалар пионерларда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги ва республика комсомолининг 50 йиллигига бағишланган кечалар ҳам қизиқарли ўтди. Ўткир зеҳнлилар мушоираси «Балли, йигитлар!», «Бўш келманг, қизлар!» конкурсида ёшлар алоҳида иштиёқ билан иштирок этишяпти. Мароқли ўтган мушоирада Андрей Малин биринчи ўринни, Нодир Еқубов ва Фарида Султоновалар иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Шавкат Зулфиқоров тажрибали пионер вожатийларидан бири. У спорт мусобақаларига бош-қош. Яқинда турли ёшдаги ўғил-қизлар ўртасидаги ГТО кўпкураши бўйича қизиқарли баҳс бўлиб ўтди. Бунда Равшан Сафаров, Гуля Йўлдошева каби пионерлар яхши натижаларга эришдилар.

Лагерда «Дельфин» тўгараги ҳам ишлаб турибди. Бу тўгаракларда болалар сузишга ўрганяптилар. Яқинда сув устида катта карнавал бўлди. «Дельфин» байрами катта спорт мусобақаларига уланиб кетди.

Пионер лагерларида ҳаваскорлик тўгарагининг конкурси бўлиб, областимиздаги 6 та пионер лагери қатнашди. Уларнинг ҳар бири 11 тадан номер кўрсатди. «Зоркий» пионер лагери эса иккинчи ўринни эгаллаб область касаба союзларининг дипломи билан мукофотланди.

Ёш спортчилар лагерларарО мусобақаларда ҳам қатнашмоқдалар. Бу мусобақаларда лагерь командалари соврини ўринларни эгаллаб, область касаба союзларининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Лагерда оқшом кўнги. Болалар кечки овқатдан сўнг пионер гулхани атрофига тўпланиб, қувноқ куй ва қўшиқларни бошлаб юборишди. Уларнинг ҳар бир куни ана шундай қувноқ ва мароқли ўтади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратларда: пионер ва ўқувчилар лагерь қўйнида.

Ж. Тўраев фотолари.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

1 АВГУСТДА
ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ МАВСУМИНИ

„БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ“

СПЕКТАКЛИ БИЛАН ОЧАДИ

СПЕКТАКЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА БОШЛАНАДИ.
Касса соат 10 дан очиқ.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.45— ТОШКЕНТ. 17.50 — Телевизион қўғирчоқ театри. 18.20 —Ҳужжатли фильм. 18.45— «Беш йилликнинг якунловчи йили». 19.15 — «Ахборот». 19.30— «Ота-оналар университети». 20.00 — «Ахборот». 20.20 — Телефестиваль. С. Аҳмад «Уфқ». Ҳамза номли Қўқон давлат драма театрининг спектакли. 22.00 —«Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — «Эшикни очинг, биров келди» (бадиий фильм). 17.45 — МОСКВА. «Қийшиқ кўзгу салтанати». (бадиий фильм). 20.30 — «Даурия» (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — Ҳужжатли фильм. (Тошкент). 22.30 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Болалар учун фильм. 20.35 — «Қаерда ўқимоқчисиз?». 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Ҳужжатли фильм.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Иван ва Марья — «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИҒИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИҒИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Насимий — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — «ФЕСТИВАЛЬ».

Насимий — «ХИВА».

Узбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлиги «Узсельавтотрести»нинг З.АВТОБАЗАСИГА

шоферлар, ремонтчи слесарлар, мотористлар, газ электр пайвандчилар, қурилиш ишчилари, боғбонлар, ёқилғи аппаратуралари мутахассислари, иссиқлик техниклари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай. 2 йил ичида квартира бериш гарантияланади.

Қўйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент области, Ортоқинкидзе райони, Свобода поселкаси, (1, 74, 62, 101-автобусларнинг «Троицкий поворот» бекати).

ГУЛИСТОН ТАЖРИБА РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

3—4 разрядли токарлар ва электр пайвандчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Елғизлар ётоқхона билан, оиналиклар эса бир йил мобайнида уй-жой билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Гулистон шаҳар, Фрунзе кўчаси, 20-уй.

«СОЮЗГИПРОЛЕСХОЗ»НИНГ ЎРТА ОСИЕ ФИЛИАЛИГА

инженер-гидротехник — группа раҳбарлари, бош инженер-гидротехник, бош инженер-қурувчи, инженер-қурувчи, агроном-энтомолог - фитапатолог

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй. Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация Бюроси ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142.

Р—03509. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64634. Б—3426.